



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING

**BUYRUG'I**

2019 yil "18" \_\_\_\_\_ 314 -son

Toshkent sh.

**Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирининг 2019 йил 12 апрелдаги  
331-сон буйруғининг ижросини  
таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 12 апрелдаги "2018/2019 ўқув йилида олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга тақсимлаш ва жойлаштиришни таъминлаш тўғрисида"ги 331-сонли буйруғунинг ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими бошлиғи Ш.Ў.Қаршибоев, фармация факультети декани в.б. О.И.Худойбердиев, саноат фармацияси декани в.б. З.У.Маматкулов, магистратура бўлими бошлиғи Н.Э.Маматмусаева ҳамда барча маъсул кафедра мудирларига:

1.1. Институт бакалаврияти таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари кесимида ҳар бир битирувчи тўғрисида (исми-шарифи жинси, туғилган йили, доимий яшаш манзили, оилавий аҳволи, тугатаётган йўналиши ёки мутахассислиги ишга йўлланадиган корхона ташкилот ёки муассаса номи шартнома ва х.к.) маълумотлар базаси беш иш кунидан кечиктирмай яратилсин.

1.2. Жорий йилнинг 25 апрелига қадар корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан амалий алоқалар ўрнатилиб, бакалаврият ва магистратура битирувчиларини ишга тақсимлаш лойиҳаси ишлаб чиқилсин.

1.3. Ҳар бир битирувчининг белгиланган муддатда тақсимланган (тавсия этилган) иш жойига етиб бориши ва жойлашишини тўлиқ таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилсин ва унинг амалга оширилиши таъминлансин.

1.4. Жорий йилнинг 1 декабрига қадар 2018/2019 ўқув йили битирувчиларининг бандлик мониторинги мунтазам ўтказилиб борилсин.

2. Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими бошлиғи Ш.Ў.Қаршибоевга:

2.1. Потенциал иш берувчи юридик шахслар тўғрисида (номи, жойлашган манзили, фаолият йўналиши, бўш лавозимлар, ойлик иш ҳақи, меҳнат шароити, бўйсунучи вазирлик ёки идораси ва х.к.) маълумотлар базаси яратилсин ва битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлик алоқалари ой охирига қадар ўрнатилсин.

2.2. Институтнинг тўлов-контракт асосида тугатаётган бакалавр ва магистрларни уларнинг аризаларига (ҳожишига, розилигига) мувофиқ, тақсимот комиссиясининг қарори билан ишга тақсимлаш ҳамда корхона ташкилот ва муассасаларнинг сўровига (ёки тузилган шартномаларга) мувофиқ ишга тавсия этиш (йўллаш) мумкинлиги белгилаб қўйилсин.

4878100



2.3. Жорий йилнинг 5 майга қадар битирувчиларнинг якуний ишга тақсимлаш (тавсия этиш) жараёни тўлиқ амалга оширилсин ва якуний тақсимот натижалари 10 майга қадар вазирликнинг Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий-методик таъминлаш бош бошқармасига тақдим этилсин.

2.4. Жорий йилнинг 15 майга қадар битирувчиларнинг якуний ишга тақсимоми натижалари битирувчи ишга тақсимланган корхона, ташкилот ёки муассасага ўз вақтида ўрнатилган тартибда етказилиши таъминлансин.

2.5. Мазкур буйруқда белгиланган вазифалар бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ҳар ойнинг 5 кунига қадар вазирликнинг Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий –методик таъминлаш бош бошқармасига (otmbb-market@edu.uz электрон манзилига) доимий равишда тақдим этиб борилсин.

Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор З.А.Юлдашев зиммасига юклатилсин.

Асос: Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 12 апрелдаги 331- сонли буйруғи.

Ректор

И.И.Алимджанов

